

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

РАМАЗОНОВ БАХТИЁР РАМАЗОНОВИЧ

**ОРОЛ БЎЙИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ТУПРОҚ ҚОПЛАМИ ВА ТУПРОҚ
ХОССАЛАРИНИНГ САҲРОЛАНИШ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚЛАРИ
МИСОЛИДА)**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
biological sciences**

Рамазонов Бахтиёр Рамазонович

Орол бўйи ҳудудларининг тупроқ қоплами ва тупроқ хоссаларининг
саҳроланиш таъсирида ўзгариши (Қорақалпоғистон Республикаси
тупроқлари мисолида)..... 3

Рамазонов Бахтиёр Рамазонович

Почвенный покров территорий Приаралья и изменение почвенных
свойств под влиянием опустынивания (На примере почв Республики
Каракалпакстан)..... 21

Ramazonov Bakhtiyor Ramazonovich

Soil cover of Aral Sea region and change of soil properties under the influence
of desertification (On the example of the soil of the republic of
Karakalpakstan)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

РАМАЗОНОВ БАХТИЁР РАМАЗОНОВИЧ

**ОРОЛ БЎЙИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ТУПРОҚ ҚОПЛАМИ ВА ТУПРОҚ
ХОССАЛАРИНИНГ САҲРОЛАНИШ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚЛАРИ
МИСОЛИДА)**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/B109 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўзиев Рамазан

Биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Хамза Ҳамдамович

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Намозов Хушвақт Қорахонович

Биология фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Қх/В.43.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.М.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
к.х.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда «сахроланиш жараёни материклар юзасининг 36-40 фоизини камраб олган бўлиб, унинг ўсиб боришини Африканинг Рифита шельфи, Чад, шимолий ва жанубий Американинг Атакама чўли, Фарбнинг буюк ҳавзаси, Осиёнинг Чана, Балхаш, Орол каби денгиз кўлларининг йўқолиб кетиши ёки жиддий равишда кичрайиб қолганлигида ҳам кўриш мумкин. Сахроланиш жараёни таъсирини юмшатиш ва уларнинг ечимини топиш мақсадида 1994 йил 17 июнда Парижда сахроланиш билан курашиш бўйича Конвенция қабул қилинган. Бу конвенция Ўзбекистон Республикасида 1994 йил 7 декабрда имзоланган ва 1995 йилда ратификация қилинган»¹. Бундай тупроқ унумдорлиги паст, деградация ва сахроланишга учраган, турли даражада шўрланган ерларнинг хосса-хусусиятлари ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқ қопламларида юз бераётган сахроланиш жараёнларини аниқлаш, уларни олдини олиш ёки юмшатиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, антропоген босимнинг кучайиши ва глобал иқлим ўзгаришлари таъсирида юзага келаётган сахроланиш жараёнларининг олдини олиш; тупроқлар мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш; тупроқдаги ирригацион эрозияга қарши курашиш; тупроқларни иккиламчи шўрланишдан асраш ҳамда сахроланиш таъсиридаги тупроқлардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг Орол бўйи ҳудудларида тарқалган тупроқ қопламларининг сахроланиш жараёнлари таъсирида ўзгаришини аниқлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, илмий ишланмалар ишлаб чиқилган ва муайян натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи куриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Орол бўйи ҳудудларида деградация ва сахроланиш жараёнларини аниқлаш, мавжуд салбий жараёнлар таъсирини юмшатиш, тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш, бошқариш, ерлардан самарали фойдаланиш, уларни муҳофазалашга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш ҳамда илмий асосланган самарадор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Орол бўйи регионини ривожлантириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги ва 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ-3975-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ www.qxjournal.asia, 2014 йил №6.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқлар майдонини аниқлаш, тупроқларнинг агрокимёвий, физик-кимёвий хоссалари, тупроқлар мелиорацияси, эволюцияси, тупроқларни гумусли ҳолати, тупроқлар сифатини баҳолаш, унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш бўйича Орол бўйи ҳудудларида республика ва хорижлик олимлардан В.В.Бартольд, Н.Г.Столетов, Н.А.Димо, Б.Б.Полынов, Б.В.Фёдоров, Л.Т.Турсунов, В.Г.Попов, А.З.Генусов, Н.В.Кимберг, Р.Қ.Қўзиёев, И.Т.Туропов, М.М.Тошқўзиёев, С.Абдуллаев, Р.Қурвонтоев, В.Е.Сектименко, Н.Ю.Абдурахмонов, А.Ж.Исмонов, А.У.Ахмедов, Х.Қ.Намозов, Л.Л.Суишов, Г.В.Стулина, К.Ҳансгија, F.A.Shinner, R.Niederbacher, R.Barta, M.Seto ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин Орол бўйи ҳудудларида саҳроланиш натижасида тупроқ қопламида юз берган ўзгаришлар тўғрисида бугунги кунда маълумотлар етарли эмас. Денгиз қуриши, глобал иқлим ўзгариши натижасида юз берган қурғоқчилик ва саҳроланиш жараёни таъсирида тупроқ хосса-хусусиятларининг ўзгаришларини аниқлаш ҳамда тупроқ қопламида юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ёки юмшатишга қаратилган тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-006-2015 «Амударёнинг қуйи оқими суғориладиган тупроқларини комплекс ўрганиш, унумдорлигини баҳолаш, деградацияга учраган ерларни аниқлаш, уларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини тиклашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий ҳамда ҚХФ-5-006 «Иқлим ўзгариши шароитида Орол бўйи ҳудудлари тупроқ қоплами шаклланиши ва трансформацияси қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқлим ўзгариши шароитида Орол бўйи ҳудудлари тупроқ қопламининг трансформацияси ва бу ерда тарқалган тупроқлар хосса-хусусиятларининг ўзгаришини аниқлаш ҳамда юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Орол бўйи ҳудудларида танлаб олинган таянч хўжаликларида тупроқ қопламини комплекс ўрганиш, тупроқларнинг мелиоратив, агрокимёвий, агрофизикавий хосса ва хусусиятларини ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

танлаб олинган хўжаликларнинг 1:10000 масштабли тупроқ карталари, агрохимкартограммаларини тузиш, улар асосида тупроқларнинг унумдорлигини

тиклаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Амударёнинг қадимги ва олдинги «тирик» дельтасида Орол денгизи қуриши натижасида тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг кескин ўзгариши туфайли тупроқ қоплами трансформацияси хусусиятларини тадқиқ этиш;

тадқиқот натижаларини муқаддам ушбу ҳудудда олиб борилган тупроқ изланишлари билан солиштириб, ҳудудларнинг саҳроланиши туфайли намоён бўлаётган ўзгаришлар, жумладан салбий ўзгаришларни аниқлаш;

кейинги 50-60 йил давомида Орол бўйи ҳудудларида иқлим ўзгариши, сув заҳираларининг қайта тақсимланиши туфайли вужудга келган саҳроланиш натижасида тупроқ қопламида юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ёки уларни юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Орол бўйи ҳудудларида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-тақир, тақир-ўтлоқи ҳамда кўрик сур тусли қўнғир, тақирли, тақир, қумли чўл, қолдиқ ўтлоқи шўрхок, қолдиқ ботқоқ тупроқлар ва ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоклари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Орол бўйи ҳудудларининг тупроқ қоплами ва тупроқ хоссаларининг саҳроланиш таъсирида ўзгариши, механик таркиби, агрокимёвий хусусиятлари, ер ости сувлари чуқурлиги ва минераллашганлиги, шўрланиш даражаси ва типи, тупроқлар трансформацияси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда генетик-географик, профил-геокимёвий, стационар-дала ва кимёвий-аналитик усуллардан фойдаланилди. Тупроқларни кимёвий, физик-кимёвий, агрокимёвий таҳлиллари «Руководство по химическому анализу почв», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» ҳамда дала ва камерал ишлар «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш услуги» ва «Давлат Ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома»си асосида бажарилган. Маълумотларни математик-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида дисперсион (Б.А.Доспехов) услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

кейинги 50-60 йил давомида глобал иқлим ўзгариши, сув заҳираларининг қайта тақсимланиши, антропоген босимнинг кучайиши натижасида Орол бўйи ҳудудларида тупроқ қоплами саҳроланиш жараёнларининг намоён бўлиш хусусиятлари ва тупроқ қопламида юз берган ўзгаришлар аниқланган;

дарёларнинг қадимги ва олдинги «тирик» дельталарида тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг кескин ўзгариши натижасида тупроқ қоплами трансформацияси хусусиятлари аниқланган;

типик хўжаликларнинг суғориладиган ва кўрик ер майдонларининг йирик масштабли тупроқ карталари тузилган ҳамда тупроқларнинг шўрланиши, озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси аниқланган;

Орол бўйи ҳудудларида саҳроланиш таъсирида тупроқ пайдо бўлишининг гидроморф режимдан автоморф режимга ўтиши ва унга мутаносиб саҳро минтақасига мос сур тусли қўнғир, тақирли, қумли чўл ва шўрхок тупроқлар майдони кўпаяётганлиги аниқланган;

Орол бўйи ҳудудлари тупроқ қопламида юз бераётган салбий жараёнларни

аниқлаш асосида уларнинг олдини олиш ёки юмшатишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган ер майдонларида ўғитлардан самарали фойдаланиш, минерал ўғитларнинг мақбул меъёрларини қўллаш мақсадида ер майдонларининг 1:10000 масштабли ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий билан таъминланганлик агрохимкартограммалари тузилган;

тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириб бориш ҳамда қишлоқ хўжалигида экинлардан юқори ва экологик тоза маҳсулот олиш мақсадида суғориладиган ер майдонларининг 1:10000 масштабли тупроқ карталари ишлаб чиқилган;

тупроқларда кечаётган жараёнларни аниқлаш, салбий жараёнларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлиги кимёвий-аналитик (алангали фотометрик, спектрофотометрик, фотоэлектрокалориметрик) ва бошқа тадқиқот усуллари билан уларни вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида исботланган. Тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кейинги 50-60 йил давомида глобал иқлим ўзгариши, сув захираларининг қайта тақсимланиши натижасида Орол бўйи ҳудудларида тупроқ қоплами саҳроланиш жараёнининг намоён бўлиш хусусиятлари ва тупроқ қопламида юз берган ўзгаришларнинг аниқланганлиги, дарёларнинг қадимги ва олдинги «тирик» дельталарида тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг кескин ўзгариши натижасида тупроқ қоплами трансформациясининг очиб берилганлиги, саҳроланиш таъсирида тупроқ пайдо бўлишининг гидроморф режимдан автоморф режимга ўтиши ва унга мутаносиб саҳро минтақасига мос сур тусли кўнғир, тақирли, кумли чўл ва шўрхоқ тупроқлар майдонлари қўпаяётганлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Орол бўйи ҳудудлари тупроқлари унумдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш, шўрланиш ва бошқа деградация жараёнларини олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, типик хўжаликлар суғориладиган ер майдонларининг 1:10000 масштабли ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий билан таъминланганлик агрохимкартограммалари ва тупроқ карталари тузилган, ушбу чора-тадбирлар тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириб бориш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ҳамда ерлардан самарали фойдаланишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Орол бўйи ҳудудлари тупроқ қоплами ва тупроқ хоссаларининг саҳроланиш таъсирида ўзгариши бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

«Қорақалпоғистон Республикаси тупроқлари унумдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш, шўрланиш ва бошқа деградация жараёнларини олдини олиш бўйича тавсиялар» Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 03-05-10025–сон маълумотномаси). Натижада Орол бўйи ҳудудларидаги фермер хўжаликларига деградацияга учраган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

типик хўжаликларнинг 1:10000 масштабли тупроқ карталари Қўнғирот туманидаги Й.Охунбобоев номли, Қонликўл тумани Сариалтин, Хўжайли тумани Дўстлик, Амударё тумани Тўлқин массивларидаги жами 13408,0 га суғориладиган ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 03-05-10025–сон маълумотномаси). Натижада ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва муҳофазалаш ҳамда саҳроланиш жараёнининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

Хўжайли тумани Дўстлик массиви суғориладиган тупроқларининг 1:10000 масштабли ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий билан таъминланганлик агрохимкартограммалари тузилиб, массивнинг 2163,0 гектар ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 03-05-10025–сон маълумотномаси). Натижада массивдаги фермер хўжаликлари суғориладиган ер майдонларига минерал ўғитларни мақбул меъёрларини белгилаш, фосфорли ва калийли ўғитларни табақалаштириб қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 4 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шундан 1 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган

ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Орол бўйи ҳудудлари тупроқ қоплами ва унинг Орол денгизи қуриши билан боғлиқ жараёнларининг ўрганилиш ҳолати, (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобининг биринчи қисмида ҳудуд тупроқлари ва тупроқ қопламининг ўрганилиш тарихи баён қилинган. Мавзу бўйича республикамизда олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Мазкур бобнинг иккинчи қисмида бугунги кунда Орол денгизи қуриши жараёни ва унинг таъсирини юмшатишга қаратилган маҳаллий ва хорижий лойиҳалар бўйича бажарилган илмий тадқиқот натижалари батафсил ёритилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгида ҳудуд тупроқларининг шу кундаги ҳолатини кўрсатиб берадиган илмий изланишлар олиб бориш ҳамда саҳроланиш таъсирини юмшатишга қаратилган ечимлар ишлаб чиқиш зарурлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «**Орол бўйи ҳудудларидаги тадқиқот объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва тадқиқот ўтказиш услублари, Қорақалпоғистон Республикасининг географик жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар Орол бўйи ҳудудларида энг кўп тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-тақир, тақир ўтлоқи ҳамда сур тусли кўнғир, тақирли, тақир, қумли чўл, қолдиқ ўтлоқи шўрхок, қолдиқ ботқоқ тупроқлар ва ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоклари шароитида ўтказилиб, дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубларда шунингдек, «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» (2005) асосида амалга оширилган.

Генетик-географик тадқиқотлар асосида олинган тупроқ кесмалари ва дала тажрибаларидан олинган тупроқ намуналари қуйидаги услублар бўйича лабораторияда кимёвий таҳлил қилинди: Тупроқнинг механик таркиби-Качинский бўйича пипетка усулида; кимёвий ва агрокимёвий таҳлиллар Е.В.Аринушкина ҳамда ЎзПИТИ қўлланмаларида баён этилган усулларда амалга оширилди. Тупроқлардан ил заррачаларини кимёвий ишлов бермасдан ажратиш Р.Х.Айдинян (1947) усулида, сингдирилган асослар Пфедффера усулида Т.П.Крюгер (1977) бўйича аниқланди. Дала тажрибавий тадқиқотларни қўйилиши, ҳисоблаш, кузатув ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар» (ЎзПИТИ, 2007) олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов усулида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Орол бўйи ҳудудларида тупроқ ҳосил бўлиш шароитлари**» деб номланган учинчи бобида Орол бўйи ҳудудлари иқлими, литологик-геоморфологик тузилиши, тупроқ пайдо қилувчи жинслар, гидрогеологик шароитлари, ўсимликлар дунёси, инсон фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Орол бўйи ҳудудларида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида иқлимнинг таъсири, кучли шамоллар чанг-тузли бўронлар даврида денгизнинг қуриган тубидан воҳанинг суғориладиган майдонларига катта микдордаги туз ва қумлар келтирилиб, экологик вазиятни янада кескинлаштираётганлиги, бу ҳудудларнинг ландшафт структураси турлича эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Орол бўйи ҳудудларининг иқлими ўзининг ўта континенталлиги ҳамда куруклиги билан ажралиб туради. Экстраарид иқлим бу ҳудудларда кескин континентал илимни келтириб чиқарган. Мўйноқ ва Нукус метеостанцияларининг маълумотларига кўра, ҳаво ҳарорати 9,8 °C дан 11,0°C оралиғида тебраниб июль ойининг ўртача ойлик ҳарорати 26,3-27,1°C ни ташкил этади. Кундуз кунлари ҳаво ҳароратининг максимал баландлиги 46-48 °C гача, қиш ойларида ўртача 6,9-7,6°C дан 32-35°C ни ташкил этганлиги аниқланган.

Орол бўйи ҳудудларининг қадимий ва ҳозирги давр дельталари ҳудудлари асосан текислик юзасидан иборат бўлиб, жуда кучсиз нишабликни ташкил этади, ҳозирда ҳаракатда ва ўз оқим фаолиятини тугатган дарё ўзанлари бўйлаб ястаниб ётган кўтарилма полоса ва ўзанлараро пастқамлик ерлар умумий текислик кўринишини бир қатор мураккаб рельеф кўринишларига олиб келган.

Орол бўйи ҳудудларида тупроқлар асосан тўрт хил ётқизиқларда пайдо бўлган. Биринчидан, турли даврларда пайдо бўлиб, қатлам-қатлам жойлашган кумли лой аллювиал ётқизиқлари; иккинчидан турли даражада ўсимликлар билан қопланган ва шамол таъсирида қайтадан ётқизилган кумлар; учинчидан таркибида оҳак тошлари кўшилмаси бўлган карбонатли чангсимон соз ва кумсоз аллювиал ётқизиқлар ва тўртинчидан эффузив тоғ жинслари билан боғлиқ бўлган эллювиал соз ётқизиқлари киради.

Орол бўйи ҳудудлари ўзига хос бўлган ўсимликлар қопламга эга бўлиб, бу ҳудудларининг ландшафт структураси турли-тумандир. Бу ерда ўсимликларнинг 51 турдаги ландшафтлари ажратилган ва хариталаштирилган. Орол бўйи ҳудудларида ўсимликларнинг сув-ботқоқ, тўқай, галофит, сахро ёки чўл туркумларини ажратиш мумкин. Айниқса юқори намланиш зоналарида учрайдиган сув-ботқоқ ўсимликлари *Typha*–рогоза, *Phragmites australis*–тростник, *Scattophyllum*–роголистник формацияси ўсимликлари учрайди. Сув-ботқоқ ерлар майдонларининг жадал қисқариши оқибатида ўсимликларнинг турли-туман хиллари, шу билан бирга тарқалиш майдонлари масштаби ҳам алмашган. Орол бўйи ҳудудларидаги кўллар ва даврий равишда сув босиладиган зоналарда энг кўп тарқалган ўсимликлар–бу қамиш формацияси туркуми ҳисобланади.

Шу билан бирга, инсоннинг тупроқ пайдо бўлиш жараёнларига таъсири кўп қиррали ҳамда турли-тумандир. Инсониятнинг ўрмон дарахтларини кесиши, ўтларни ўриб олиш, мол боқиш, ерларни шудгорлаш ва ҳайдаб ишлов бериш, суғориш, ерларга ҳар хил ўғитларни киритиш, кимёвий моддаларни киритиш ҳамда Орол денгизининг қуриши ҳамда саҳроланиши билан биогеоценозлар ва ўсимликлар формацияси кескин қисқармоқда, ҳаттоки ҳалок бўлмоқда, тўқай ўрмонзорлари қуриб кетмоқда. Қуриган Орол денгизининг тубида 500 минг гектар ерда кум ва туз кўчишининг олдини олиш мақсадида ўрмонзорларни (саксовулзорлар) ташкил этиш мақсадида ариқлар тортиш ишлари катта кўламда олиб борилмоқда ҳамда бугунги кунгача 389 минг га қуриган денгиз тубида саксовул экилди. Мўйноқ шаҳридан 200 км узоқликдаги Борса-келмас ороли атрофидан 280-300 метр чуқурликдан чучук сувнинг чиқарилганлиги, бу ҳудудларда биохилма-хилликни янада кўпайиши, экологик ҳолатнинг яхшиланишига олиб келади.

Диссертациянинг «Орол бўйи ҳудудларида тарқалган тупроқларнинг тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотлар олиб борилаётган ҳудудларда тарқалган автоморф ва гидроморф тупроқлар, тупроқ хосса-хусусиятларининг саҳроланиш жараёнлари таъсирида ўзгараётганлиги, уларнинг механик таркиби, суғориладиган тупроқларнинг агрокимёвий хосса-хусусиятлари, деградация ва саҳроланиш жараёнлари таъсирида тупроқ ва тупроқ қопламида рўй бераётган ўзгаришлар ёритиб берилган.

Автоморф тупроқлар Орол бўйи ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, тупроқ ҳосил бўлувчи омиллар—ҳудуднинг литологик тузилиши, жойнинг рельефи ҳамда ёши, ҳар бир тупроқ типи учун специфик характерга эга бўлган микроклим, гидротермик режим, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларидаги кимёвий муҳит ҳамда комплекс тупроқ белгиларига боғлиқ. Тахтакўпир тумани Жанадарё ва Мулк массивларида *сур-тусли қўнғир, тақирли тупроқлар, қумли чўл ва шўрхок тупроқлар* кенг тарқалган.


Сур тусли қўнғир тупроқларнинг генетик қатламлари ўрганилганда, уларнинг профили қатламсимон ғовак қатқалоқ қатлам, лойлашган ва зичлашган, темирли, қатқалоқ ости қатлами чиринди миқдорининг озлиги, тупроқ қатламларининг кичик бўлиши, тупроқнинг юқори қатламларида биологик омил таъсирида ҳосил бўлган иккиламчи карбонатларнинг кўпайиши, тупроқ остки қатламларида гипс минералининг тўпланиши, иқлимнинг қуруқлиги сабабли тупроқларнинг шўрхоклик ва шўртобликка мойиллиги кузатилади. Тупроқнинг устки юза қатлам қалинлиги 1-3 см га тенг бўлган оч кулранг тусли ғовак қатқалоқ билан қопланган, унинг пастиди эса оч сур тусли қўнғир ранг, майда қатламсимон, увоччали структурага эга бўлган, сочилиб турувчи, қалинлиги 10-12 см қалинликдаги қатлам ётади. Сур тусли қўнғир тупроқларнинг 40-50 см чуқурликдаги қатламида бу тупроқларга хос бўлган қалин гипсли қатлам бошланиб, унинг остида эса тупроқ ҳосил қилувчи она жинс—берч ётқизиқли қатлам ётади.

Механик таркиби бўйича сур тусли қўнғир тупроқлар қумоқли бўлсада, лекин йирик қум ва шағалнинг умумий миқдори диаметри 1-3 мм дан катта бўлган механик фракциялар гипс қатлами устида 2-3% дан ошмайди. Карбонатларнинг асосий қисми тупроқнинг устки юза қисмида жойлашган ҳамда узоқ вақт мобайнида давом этган биологик йўл билан пайдо бўлган, гипс қатлами кўп вақт шамол таъсирида нуралган, пастки қатламларга оқиб тушган толасимон ёки пўкаксимон ғовак гипс йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, қалинлиги 30-60, баъзи ҳолларда ҳатто 100 см гача етади. Бу қатламдаги гипс миқдори 30-60 ва ҳатто 90% ни ташкил этади. Бу тупроқлар шўрхоклашган бўлиб, у ёки бу чуқурликда маълум миқдорда сульфат ва хлорид тузларини сақлайди ва қатқалоқ қатламида шўртоблик изларини учратиш мумкин.


Сур тусли қўнғир тупроқларнинг энгил қумоқли механик таркибларида йирик қум заррачалари юқори қатламида ўртача 16,6-43,0%, чанг заррачалари 9,5-19,5%, ил заррачалари 2,1% ва физик лой 29,5% ни ташкил этиб энгил қумоқли механик таркибдан иборат.

Тақирли тупроқларнинг механик таркиби асосан энгил, ўрта қумоқли, қумлоқли, баъзи горизонтларда қумлардан иборат бўлиб, йирик қум миқдори йирик чанг заррачаларидан устунлик қилиши кузатилди. Бу тупроқлар қуруқ

иқлим минтақасида, атмосфера ёғинлари кам тушадиган табиий миҳитда ривожланганлигидан органик қолдиқларни минераллашуви секинлик билан кечиши сабабли, гумус ҳосил бўлиш жараёни тупроқларда секинлик билан кечиши қайд этилган. Бу тупроқларнинг тарқалиши ва хилма-хиллигида маълум бир қонуниятлар бор, чиринди миқдори жуда оз 0,5-1% ва чириндили қатламнинг қалинлиги жуда кичик 15-20 см атрофида бўлади. Сур тусли кўнғир тупроқларни чимли қатламларида гумус миқдори ўртача 0,966% дан 1,146% гача, кесма профилининг қуйи қисмларида 60-70 см дан бошлаб улар миқдори ўртача 0,356-0,400% ни ташкил этади, тақирли тупроқларнинг устки қатламида 1,016-1,045% атрофида, пастки қатламларида эса 0,76% миқдорларни ташкил этади, карбонатлар миқдори ўртача 9,131% дан 9,820% ни, гипс миқдори 0,10-0,15% ни ташкил этган бўлиб, улар кам миқдорда учрайди.



1-расм.Тупроқларнинг гумус ва озика элементлар таркиби



2-расм.Тупроқларнинг сувли сўрим таркиби

Сувда осон эрувчи тузлар хлор ва сульфат миқдори ушбу тупроқларни юқори қатламларида турли миқдорда тебранади. Сур тусли кўнғир тупроқлар жуда кучли даражада шўрланган бўлиб, уларда қуруқ қолдиқ миқдори тупроқнинг устки қатламларида ўртача 2,150% дан 5,330% ни, пастки қатламларда эса 1,630-3,715% ни ташкил қилади. Сур тусли кўнғир тупроқлар устки қатламида сингдирилган асослар йиғиндиси 100 г тупроқда 4,63-7,25мг/экв ни, тақирли тупроқларда эса 9,52 мг/экв ни ташкил этган ҳолда, натрий 7,7-16,1% ва 5,48-7,35% ни ташкил этади, бу тупроқлар кучли даражада шўрланган.

Шўрхоқ тупроқларда тузларнинг умумий миқдори 3% дан кўп бўлиб, қадимги генетик тип белгилари сақланган шўрхоқларни типик шўрхоқлар деб атаймиз ва бундай шўрхоқларда шўралар ўсиши мумкин. Типик шўрхоқлар ташқи кўриниши ва тузилишига қараб, қатқалоқли шўрхоқ, майин шўрхоқ, қатқалоқли-майин шўрхоқ ва қора шўрхоқ типларига бўлинади. Бундай шўрхоқлар Орол бўйи ҳудудларида кенг майдонларда тарқалган бўлиб, механик таркибига кўра, енгил кумоқлардан иборатлиги, тупроқларни жуда кучли шўрланишларга учраганлиги аниқланган.

Гидроморф тупроқлар саҳроланиш жараёнлари таъсирида тупроқ қоплами хосса-хусусиятларининг ўзгариши, суғоришлар натижасида янги агроирригацион горизонтларнинг шаклланиши, суғориш сувлари билан сувда эриган майда заррачалар ва эриган моддаларнинг келиб қўшилиши, кучли

намланиш таъсирида элювиал жараёнларнинг кучайиши ҳамда маданий ўсимликлар ва агротехник тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ.

Бу тупроқлар эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларга ажратилади. Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлардан нисбатан фарқланиб, ўзининг механик таркибига кўра, турличалиги ва тупроқ профилларини қатламлилиги билан ажралиб туради.

Орол бўйи ҳудудларида тарқалган суғориладиган тупроқлар оғир, ўрта, енгил кумокли, кумлоқли, кумли ва баъзи ҳолларда лойли заррачалардан тузилган. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда йирик кум заррачалари 16,5-34,6% ни, янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда эса 23,9-33,8% ни, йирик чанг заррачалари 28,4-38,8% ва 12,4-21,3% ни; ил заррачалари 5,0-10,0 ва 4,5-7,8% ни; физик лой 24,6-45,8 ва 24,0-38,55% ни ташкил этган.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,965-1,028%, фосфор ўртача 15,0-38,0 мг/кг, калий 84-239 мг/кг ни ташкил этади. Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,746-1,246%, фосфорнинг ҳаракатчан шакли ўртача 23,0-35,0 мг/кг, алмашинувчи калий 96-119 мг/кг ни ташкил этади. Гумус ва озика моддаларининг миқдорий кўрсаткичларида кўринадики, бу тупроқлар гумус ва озика моддалари билан кам ва жуда кам даражада таъминланган. Ўтлоқи-тақир тупроқларнинг ҳайдалма қатламида чиринди миқдори 0,942%, азот 0,75% ни ва пастки қатламларга қараб чиринди миқдори 0,347% гача камаяди, карбонатлар 7,603% ни ташкил этади. Профилнинг пастки қисмида қадимги ва ўсиб бораётган гидроморфизмнинг занг-кўнғир кўринишидаги доғлари учрайди.

Ер ости сувлари минераллашганлик даражасига кўра, кучсиз (1-3г/л), ўртача (3-10 г/л) ва кучли (10-25 г/л) шўрланган сувлардан иборат. Тадқиқотларда чучук (1 г/л), жуда кучли минераллашган (25-50 г/л) ва намакоблар даражасидаги шўрланган грунт сувлари (>50 г/л) қайд этилмади. Тузларнинг умумий миқдори куруқ қолдиқ бўйича 1,520-1,480 г/л дан 12,280-17,400 г/л кўрсаткичларда қайд этилди. Шўрланиш типлари ва даражасига кўра, грунт сувлари хлорид-сульфатли ва сульфат хлоридли ҳамда кучсиз, ўртача ва кучли даражада шўрланган. Орол бўйи ҳудудларида тарқалган суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси ортиб боргани сари сульфатли ва хлорид-сульфатли шўрланиш типлари сульфат-хлоридли, баъзан хлоридли шўрланиш типлари билан алмашиб, тузлар таркибида хлор иони миқдорининг ортганлиги кузатилди.

Орол бўйи ҳудудларидаги кўриқ ва яйлов майдонларида қолдиқ ботқоқ тупроқлар, қолдиқ ўтлоқи шўрхоқлар, мўътадил гидроморф шўрхоқлар ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоқлари, тақир (кумли саро ва кумли) тупроқлар кенг тарқалган. Жумладан, Мўйноқ массиви қолдиқ ботқоқ тупроқлари куйи Амударёнинг замонавий ётқизиқларида шаклланган. Қозоқдарё массивида қолдиқ ўтлоқи шўрхоқлар кенг тарқалган бўлиб, бу тупроқлар Амударёнинг замонавий ётқизиқларида шаклланган, бу тупроқлар ботқоқ тупроқларни ривожланиши ва кейинчалик шўрланиши натижасида пайдо бўлган.

Қолдиқ ботқоқ тупроқлар ўрта ва енгил қумоқли механик таркибда бўлиб, ўрта қумоқли тупроқларни юқори қатламида қумли заррачалар 35,3%, чанг заррачалари 25,2%, иллар 7,4% ва физик лой 42,2%; енгил қумоқларда қум заррачалари 24,3 %, чанг заррачалари 33,7%, иллар 2,3% ва физик лой 27,1% ни ташкил этган. Қолдиқ ўтлоқи шўрхоқлар механик таркибига кўра, қумли заррачалар 40,2%, чанг заррачалари 35,2%, иллар 7,7%, физик лой 24,0% ни ташкил этган. Мўътадил гидроморф тупроқларнинг механик таркиби асосан қумлардан иборат бўлиб, қум заррачалари 42,%, чанг заррачалари 28,0%, иллар 4,5%, физик лой 28,7% ни ташкил этади. Ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоқлари механик таркибига кўра, қумли заррачалар 23,5%, чанг заррачалари 49,3%, иллар 4,6%, физик лой 26,2% ни ташкил этади. Орол бўйи худудлари қолдиқ-ботқоқ тупроқларининг юқори қатламида гумус миқдори ўртача 1,400-1,540%, фосфорни ҳаракатчан шакли ўртача 14,0-26,0 мг/кг, алмашинувчи калий 172-240 мг/кг ни, карбонатлар 936-10,45% ни, гипс 0,013-0,218% ни ташкил этади. Бу тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,746-1,246%, алмашинувчи калий 96-119 мг/кг ни ташкил этади. Гумус ва озика моддаларининг миқдорий кўрсаткичларида кўринадики, қолдиқ-ўтлоқи шўрхоқлар гумус ва озика моддалари билан кам ва жуда кам даражада таъминланган бўлиб, гумус тупроқнинг устки қатламида 0,834-0,850% ни, фосфорни ҳаракатчан шакли ўртача 0,904-1,00 мг/кг, алмашинувчи калий 204-265 мг/кг ни, карбонатлар 7,565-8,237% ни, ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоқлар профилида гипслар камроқ 0,019-0,021% миқдорларда учраши кузатилди, ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоқлари Орол денгизи зонасидаги кучли қурғоқчилик шароитларида вужудга келган.

Бу тупроқлар асосан жуда кучли даражада шўрланган бўлиб, тупроқнинг устки қатламидаги тузларнинг куруқ қолдиқ бўйича миқдорлари қолдиқ ботқоқ тупроқларда 2,330-2,730% ни, қолдиқ-ўтлоқи шўрхоқ тупроқларда 2,400-5,230% ни, ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоқлари 5,060-5,790% миқдорларда, хлор ионининг максимал миқдори ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоқларида қайд этилиб, унинг миқдори 2,970% ни ташкил этди. Шўрланиш химизмига кўра, асосан хлоридли, хлорид-сульфат ва сульфат-хлоридли шўрланиш типларидан иборат бўлиб, қолдиқ-ботқоқ тупроқлар асосан хлорид-сульфатли ва сульфат-хлоридли, қолдиқ-ўтлоқи шўрхоқлар хлоридли, ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоқ тупроқларида хлоридли ва сульфат-хлоридли шўрланиш типлари, сур тусли кўнғир, тақирли, эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар хлоридли, хлорид-сульфатли ва сульфатли шўрланиш типлари ва даражасига кўра кучсиз, кучли ва жуда кучли даражада шўрланганлиги кузатилди (1-жадвал).

Асосий тупроқларнинг механик, кимёвий ва сувли сўрим таркиби

Кесма №	Чуқурлик, см	Фракциялар микдори, %		Гумус	Азот	СО ₂ Карбонат, %	Синдириш снгими, мг/экв	Тузлар микдори, %			Типи	Даражаси
		>0,01 мм	<0,01 мм					Куруқ қолдиқ	Cl	SO ₄		
97	0-10	70,5	29,5	1,146	0,087	9,225	4,63	2,550	0,828	0,827	X	Жуда кучли
	10-45	79,0	21,0	0,881	0,074	9,116	6,07	3,715	2,080	0,473	X	Жуда кучли
	45-85	83,9	16,1	0,400	0,037	9,728	5,13	3,618-	1,970	0,358	X	Жуда кучли
115	Сур тусли кўнғир тупроқлар											
	Тақирли тупроқлар											
	0-9	88,0	12,0	1,016	0,076	8,054	7,62	1,425	0,385	0,582	X-с	Кучли
22	9-28	86,0	14,0	0,963	0,071	9,110	8,14	1,325	0,210	0,679	X-с	Кучли
